Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 15 февраль • шанба • № 24 (4309)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль куни мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш, пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт ривожи, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири. Шу боис, уни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Олий Мажлисга Мурожаатномада барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта резерв ва имкониятлар мавжуд.

Мева-сабзавот экспортини тизимли ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан экспортёр ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ҳам кластер тизими жорий қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан бу борадаги барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди.

Видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва узумчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Кластерлар таклифлари асосида экспортбоп экинларни жойлаштириб, зарур уруғлик, кўчат, минерал ўғит, ёқилғи масаласини ҳал қилиш ва уларнинг таъминотини тизимли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жойларда кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишга вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири мева-сабзавотчилик кластерларини айланма маблағлар билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга масъул бўлади.

– Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад – экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорлар топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам ривожланмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлаш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» компаниясига ташкил этилаётган ҳар бир кластер билан индивидуал ишлаб, экспорт шартномаларини чуқур таҳлил қилиш, айланма маблағлар ажратилишини ҳисобга олиб, қўшимча шартномалар тузишга кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда вилоятлар ҳокимлари мева-сабзавот кластерларини ташкил қилиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш борасидаги режалари юзасидан ахборот берди.

Пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари ҳам йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, бу борадаги биринчи қадам сифатида қолипли нон, ун, буғдой, чигит, пахта ёғи нархи эркинлаштирилган эди. Бунга пухта тайёргарлик кўрилгани натижасида нархларда кескин ўзгариш кузатилмади. Пахта ва ғаллага давлат буюртмасини бекор қилиш масаласида ҳам Жаҳон банки экспертлари иштирокида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

– Бу йил қишлоқ хўжалигида катта ислоҳотларни бошлаяпмиз. Ҳокимлар бу масалани чуқур тушуниб, ичига киришлари шарт. Энди орқага йўл йўқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини эркинлаштирмасак, манфаатдорликни оширмасак, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришиб бўлмайди, – деди Президентимиз.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Адлия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига кластерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасидан кўрсатма берилди.

Пахта етиштиришнинг амалдаги тизими фермерлар ва кластерлар ўртасида молиявий жиҳатдан кўплаб саволлар келтириб чиқармоқда. Бу, бир томондан, пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ етишмаслигига олиб келса, иккинчидан, пахта етиштирган фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Шу боис, кластерларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни алоҳида фаолият тури сифатида кредитлаш тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган жойларда пахта тозалаш заводлари негизида фермерлар кооперациялари йўлга қўйиладиган бўлди. Бу тажриба Туркияда ўзини оқлаган. Шубу тизимнинг энг муҳим жиҳати – фермерлар нафақат пахта хомашёсини, балки уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, чигит, шрот, шелуха) сотишдан ҳам манфаатдор бўлади.

Яна бир аҳамияти, пахта етиштиришда рақобат шаклланади. Кластерлар ва кооперативлар ўртасида рақобат бўлса, бундан фақатгина фермерлар, яъни ер эгалари – деҳқонлар манфаатдор бўлади.

Пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор бўлса, илгаригидек режа ортидан кувиш барҳам топади. Эндиликда ҳокимлар халқ депутатлари Кенгаши билан бирга экин ерларидан самарали фойдаланиш ва экин турларини тўғри жойлаштиришга масъул бўлади. Улар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ушбу мақсадларга ажратилаётган маблағлар ва субсидиялардан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этади. Деҳқонларга сервис хизмати кўрсатиш, зараркунандаларга қарши курашиш, пахта йиғим-теримида механизация даражасини ошириш чораларини ҳам кўради.

Видеоселектор йиғилишида ғалла ҳосилини ғамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, ғаллани давлат эҳтиёжи учун мажбурий сотиб олиш тизимидан давлат захиралари тизимига ўтилмоқда ва фермерларга ғаллани эркин сотиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу масала озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлгани боис давлатга мажбурий ғалла сотиш тизими икки босқичда бекор қилиниши режалаштирилган.

Бу йил етиштириладиган ғалла ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ҳажми камайтирилади. Яъни, мамлакатимиз бўйича бу йил қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ ғалла фермерлар ихтиёрида қолади. 2021 йил ҳосилидан бошлаб эса давлатга ғалла сотиш режаси тўлиқ бекор қилиниб, маҳсулотни бозор нархларида сотиб олиш йўлга қўйилади.

Президентимиз бу ўзгаришларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Видеоселектор орқали жойлардаги кластерлар раҳбарлари билан мулоқотда лимончиликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари лимон етиштириш сердаромад соҳа эканини таъкидлаб, ҳудудларда лимонзорлар ташкил қилиш юзасидан ўз тавсияларини берди. Ушбу мақсадлар учун «Туронбанк» АТБ томонидан 100 миллион доллар миқдорида кредит маблағлари ажратилиши белгиланди.

Ер ажратиш борасидаги муаммолар кўриб чиқилди. Суғориладиган майдонларни талон-торож қилишга чек қўйиш, ҳар бир қарич ердан халқ манфаати йўлида самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги мутасаддиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎзА

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

president.uz

* * *

Андижонда буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишлаб маърифий тадбир ташкил этилди. Тантана авваллида шоҳ ва шоирнинг вилоят марказидаги муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

«Боғи Бобур» мажмуасида ўтган анъанавий илмий-амалий анжуманда эса халқаро жамоат фонди томонидан ўтган йили рўёбга чиқарилган ишлар таҳлил этилди.

Халқаро анжуманда қатор олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ishonch.uz

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Бори элга яхшилик қилғил» номли мушоира кечаси ташкил этилди.

uza.uz

* * *

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида «Bobur Day» акцияси уюштирилди.

uza.uz

* * *

Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева Дубай амирлиги шайхи Манал бинт Муҳаммад бин Рашид Ал Мактум зоти олиялари таклифига биноан, 2020 йилги Бутунжаҳон аёллар форумида қатнашади.

globalwomensforumdubai.com

* * *

Санжар Абдуллаев Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Давлат хизматлари агентлиги

* * *

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташаббуси билан 12-13 февраль кунлари **Ўзбекистон делегацияси Грузияда** бўлди.

uza.uz

* * *

Дилором Тошмуҳамедова бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ҳукумат ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори лавозимидан озод қилинди.

uza.uz

Тайинлов

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари ректорларини лавозимларга тайинлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга асосан 10 та олий ўқув юрти раҳбарлари алмашди.

Хусусан:

Алишер Умаров Тошкент давлат педагогика университети ректори,

Шавкат Шарипов Жиззах давлат педагогика институти ректори,

Баҳодир Собиров Навоий давлат педагогика институти ректори,

Собитхон Турғунов Наманган давлат университети ректори,

Ботир Усмонов Тошкент кимё-технология институти ректори,

Жасур Ризаев Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори,

Орифжан Бозоров Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори,

Шариббой Эргашев Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори,

Мамиржон Отажонов Қўқон давлат педагогика институти ректори,

Абдуллажон Ҳамроқулов Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали ижрочи директори этиб тайинланди.

uza.uz

Жиззах вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Навбатдаги манзил – ПАХТАКОР тумани

Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддилигида ташкил этилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика Ишчи гуруҳининг навбатдаги ўрганиш манзили Жиззах вилояти Пахтакор тумани бўлди.

Айни вақтда Ишчи гуруҳлар аъзолари уйма-уй юриб, аҳолининг, хусусан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганмоқда. Туман аҳолисининг 35 минг 500 нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўрганишлар давомида эса кўплаб муаммолар борлиги равшанлашмоқда. Жумладан, Пахтакор тумани «Дўстлик» маҳалласи 4-уй 6-хонадонда истиқомат қилувчи Муҳаббат Эшонқулова 2-умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилади. Икки нафар фарзанди бор. Тақдир экан, ҳозирда турмуш ўртоғи билан яшамайди. Тўнғич фарзанди Сабрина 1-гуруҳ ногирони. Муҳаббат опа қизининг соғлиғи учун керакли бўлган дори-дармонларни вақтида тополмайди. Шу сабаб, мурожаат қилмаган жойи қолмади. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадонга ташрифи чоғида Муҳаббат опа ўз муаммоларини айтди. Улар ишчи гуруҳ томонидан қайд этиб қўйилди. Демак, бу муаммо ҳам яқин орада ҳал бўлади...

«Дўстлик» маҳалласи, Дўстлик кўчаси 1-уйда истиқомат қилувчи Латофат Жонузоқова эса 2016 йилда автоҳалокатга учраб, оёқ ва бел қисмидан жароҳат олган, ногирон бўлиб қолган. Турмуш ўртоғи Ғайрат Эрматов Латофатнинг ёлғиз қаровчиси. Шу туфайли муқим бир жойда ишламайди. Ҳозирда Латофатга тиббий муолажа зарур. Масаланинг ечими маблағга бориб тақалмоқда. Бу муаммо ҳам ишчи гуруҳнинг назоратига олинди.

Хотин-қизларнинг бандлик даражаси, уларнинг даромадларини ошириш бўйича режалаштирилган лойиҳалар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида дуч келаётган муаммолар, хотин-қизларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва манзилли етказиб берилиши каби масалалар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан атрофлича ўрганилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Сарҳисоб

Дахлдорлик ҳисси

Меҳнат вазифаларини бажариш чоғида турли хил зарарланишларнинг олдини олишга иш берувчи ва ходимлар эътиборини янада кучайтириш касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимлар ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш бўлиб, бу масалага ўта масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Агросаноат мажмуи тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар таҳлилига кўра, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда улар сони 18 тага камайди. Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш борасида амалий ёрдамлар кўрсатилиб, хизматда фойдаланиш учун услубий қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотларида, айниқса, далада ишлаётган ходимларга яратилаётган шароитлар, махсус кийим ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, тиббий кўриклардан ўтказиш, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш кабилар устидан жамоатчилик назорати янада кучайтирилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича олиб борилган ижобий ишлар натижасида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг яхши ташкилот» деб эътироф этилди.

Корхона ва ташкилотларда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларининг тўғри ва намунали ташкил этилиши, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларига чалинишларнинг камайиши ва корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини таъминлайди.

Хуршид УМАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Тошкент вилояти

Давра суҳбати

Ёшлар билан мулоқот

Оҳангарон туманидаги 31-мусиқа ва санъат мактабида Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ёшлар билан давра суҳбати ўтказди.

Очиқ мулоқотда айни пайтда навқирон авлодга катта ишонч билдирилаётганининг тагзамирида жуда катта мақсад мужассамлиги, уни ҳар бир ёш жуда чуқур англаши ва ҳис қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида ёшлар хусусида алоҳида тўхталиб, қуйи поғонадаги раҳбарларни ёшлар билан бамаслаҳат бўлишга, уларга ишонч билдиришга даъват қилади, – деди Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Ўткирбек Рашидов.

Тадбирда фаол ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Вазифа

Фаолият таҳлили

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтган йиғилишда 2019 йилдаги фаолият якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Якунланган йилда 12063 та юридик мақомга эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномалари қабул қилинди. Яна бир муҳим жиҳати – бирлашма томонидан 1006 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатилди.

Беш минг нафардан ортиқ меҳнат фахрийси ва қариялар учун республикамизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. 38 та ташкилот ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатлари ўрганилди, 83 та назорат-профилактика тадбирлари амалга оширилди. Ўрганишлар натижасида кўплаб камчиликлар аниқланиб, тегишли чоралар белгиланди.

Санаторийларга 1366 та йўлланма берилди.

Мажлисда, шунингдек, ўтган йил давомида амалга оширилган маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари, аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатларни ўрнатиш, меҳнат соҳасида ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик борасидаги фаолият ҳақида ҳам сўз борди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Тарғибот

Янги қонун моҳияти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 декабрда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Мазкур қонун шу йилнинг март ойида кучга киради. Айни кунларда жойларда мазкур қонун мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбирларда янги қонуннинг долзарблиги, корхона, ташкилот, муассасаларда касаба уюшмалари ўрни, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва аъзолари учун яратилган шароитлар, ижтимоий шериклик муносабатлари, жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, касаба уюшмалари инспекцияларини тузишнинг аҳамияти каби масалалар юзасидан кенг тушунтиришлар берилмоқда.

Тошкент вилояти

Бошланғичларга амалий кўмак

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси жойларда касаба уюшма аъзолиги афзалликлари ва янги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишлаб кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Паркент туманидаги «Fatty Milk» масъулияти чекланган жамияти яқинда касаба уюшмасига аъзо бўлган. Корхонада аъзолик афзалликлари, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари касаба уюшмасига аъзо бўлиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича янги маълумотларга эга бўлганликларини таъкидлашди.

Чиноз туманидаги «Cin zara Tekstil» МЧЖда ишловчиларнинг аксарияти ёшларни ташкил этади. Уларга амалий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш мақсадида меҳнат шароити ўрганилди ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисидаги» қонун бўйича тушунчалар берилди.

Шаҳноза ОДИЛХОНОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Ҳикмат

«Билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин».

Абу Наср Форобий

Қорақалпоғистон Республикаси

Муҳокамалар қизғин ўтди

Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда манфаатдор вазирликлар, ҳамкор ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мутасадди ходимлари, тармоқ касаба уюшмаларида фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари қатнашди.

– Янги қонун касаба уюшмалари ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаб берди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудираси Нодира Каримова. – Агар ташкилот даражасида кўрадиган бўлсак, иш берувчи энди ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилувчи нормалардан тийилишга мажбур.

Тадбирда касаба уюшмаларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари, хусусан, Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи қуриб битказилиши ва ушбу ҳудудда янгидан санаторий бунёд этилиши режалаштирилаётгани борасида ҳам сўз юритилди.

Мана шундай тадбир Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида, Амударё туманидаги 9-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ҳам ўтказилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Муҳим тадбирга тайёрмисиз?

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилоятидаги тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллари иштирокида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар ўтказди.

– Ушбу қонун иш берувчилар ва давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш имконини беради, – деди Республика кенгаши бош юрисконсульти Шерзод Худойбердиев. – Ушбу қонун ҳар бир бошланғич ташкилот етакчисининг иш столида бўлиши ва у кучга кирганидан кейин фаолиятини шу асосда такомиллаштириши зарур.

Иштирокчилар Федерация Кенгаши Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тўғрисида»ги қарор мазмун-моҳияти билан ҳам таништирилди. Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар қандай ўтказилиши бўйича тушунтиришлар берилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятида ташкил этилган ўқув-семинарда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун, ҳисобот-сайлов йиғилишларини муносиб тарзда ташкил этиш, сайловнинг очиқ ва ошкоралигига эришиш, жамоага манзур ташкилотчи ва ташаббускор фаоллар таркибини шакллантириш каби бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Фаоллар ташаббускор бўлсин

Туман электр тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбир қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Семинар давомида Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий қўмита раиси Икром Юнусов, «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Ўринов ҳисобот сайловларига тайёргарлик кўриш, жамоа шартномаларини пишиқ-пухта тузиш, имкон қадар турли имтиёзлар билан бойитиш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини кун тартибидан туширмаслик, ишлаб чиқариш гимнастикасини кенг тарғиб қилиш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун тарғиботига бағишлаб Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида соҳа мутахассислари иштирокида анжуман ўтказилди.

Ҳақ-ҳуқуқлар кафолати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова иш берувчилар, ташкилот ҳуқуқшуносларга ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисларига янги қонун мазмун-моҳияти, киритилган ўзгаришлар тўғрисида атрофлича маълумот бердилар.

Шунингдек, Гулистон давлат университети, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази вилоят филиалида қонун тарғиботига бағишланган семинарлар ўтказилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

«Фарғона иссиқлик энергия маркази» АЖда корхона ишчи-ходимлари ва Фарғона энергетика касб-ҳунар коллежи битирувчи талабалари иштирокида Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганишга бағишланган ўқув-семинар ташкил этди.

Энергетиклар анжумани

Тадбир иштирокчилари берган саволларга Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бобур Абдуллаев, кенгашнинг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Ойбек Исмоилов атрофлича жавоб бердилар.

«Фарғона ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси «Бағдод тумани электр таъминоти» корхонасида ҳам шу мавзуда тадбир ўтказди.

Фарғона вилоятидаги барча туман, шаҳар электр таъминоти корхоналаридаги касаба уюшма раислари, ишчи-ходимлар ҳамда корхона ёшлари иштирок этган учрашувда Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Ойбек Исмоилов «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Тегишли тавсиялар берилди

Булоқбоши туманидаги 14-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-семинар ташкил қилинди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси З.Абдуллаев, кенгашнинг юридик бўлими бошлиғи Ҳ.Усмонов, ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Д.Исомиддинова иштирок этган тадбирда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун ва бугунги долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиш қанчалар муҳим эканига эътибор қаратилиб, кенгаш аъзоларига белгиланган имтиёзлардан унумли фойдаланиш юзасидан тушунчаларлар берилди. Бошланғич ташкилот қўмиталари ва фаоллари томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан тегишли жавоблар олинди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Булоқбоши тумани кенгаши раиси Э.Ғойипов соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар ҳақида гапириб, февраль-март ойларида бўлиб ўтадиган бошланғич ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказиш борасида тавсиялар берди.

Ўқув-семинар якунида бошланғич касаба уюшмалари қўмитаси раисларига услубий тавсиялар электрон тарзда етказилди.

Собиржон СОТВОЛДИЕВ,
Булоқбоши тумани маданият бўлими бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари:

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, айни пайтда барча бўғиндаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Ҳисобот-сайловлар жараёнида уставлар, низомлар ва бошқа локал ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонунига мувофиқлаштирилган ҳолда олдинда турган долзарб вазифалар белгиланиб, конференцияларга делегатлар сайлаб олинмоқда.

Тошкент шаҳри

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ва «ОАК Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази» ДУК ташкилотларида 2019-2021 йилларга тузилган жамоа шартномаларининг 2019 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Делегатлар сайланди

Унда касаба уюшма ташкилотчилари ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, муҳокама этилди. Жамоа шартномаларига «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритилди.

Шундан сўнг касаба уюшма ташкилотчиларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Ташкилотчилар ўтган даврда олиб борилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Муҳокамалардан сўнг касаба уюшмалари янги таркиби ҳамда ЎзФА бирлашган касаба уюшма ташкилотининг конференциясига делегатлар сайлаб олинди.

Шерзод ЖЎРАЕВ,
ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Наманган вилояти

Таклифлар маъқулланди

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг бошланғич касаба уюшма ташкилоти – «Қамчиқавтойўл ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси» касаба уюшма қўмитасининг II-умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотларининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Феруза Эрматова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юрисконсульти Мавлонбек Зарипов, корхона раҳбари Абдулбоқи Иззатуллаев иштирок этди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Маъмуржон Назиралиевнинг 2015 йил февралидан 2020 йил февралигача бўлган давр мобайнидаги фаолият якунлари ва навбатдаги вазифаларга оид маърузаси ҳамда тафтиш комиссияси раиси Абдураҳим Қориевларнинг маърузаси тингланди.

Делегатлар томонидан вилоят касаба уюшма қўмитаси раислигига Маъмуржон Назиралиев номзоди таклиф этилди ва қўллаб-қувватланди.

Илҳомжон СУЛТОНОВ,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Бухоро вилояти

Яна ишонч билдирилди

Қоровулбозор туманидаги 2-умумтаълим мактабида дарслар қозоқ ва рус тилларида олиб борилади. Кўп миллатли ўқув муассасасида 630 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши жонли ўтди. Йиғилишда сўз олган Б.Чернязева, В.Аймаханова, Л.Қурбонова касаба уюшма қўмитасининг ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоада соғлом муҳит яратиш, маданий тадбирлар, саёҳатлар ташкил этиш борасидаги ишларини эътироф этди. Ш.Кенжаева касаба уюшма қўмитасининг ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги фаолияти бўйича танқидий фикрлар айтиб, бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитасининг янги таркиби, туман ташкилоти конференциясига делегат сайланди. Касаба уюшма қўмита раислигига номзодлар кенг муҳокама қилиниб, Гулзара Серекбаевага кўпчилик овоз билан ишонч билдирилди.

С. ЕЛДОШЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қоровулбозор тумани кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

Косон туманидаги 1-умумтаълим мактабида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида таянч мактабларнинг касаба уюшма фаоллари ҳам иштирок этди.

Йўл харитаси

Унда мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил этилиб, қўлга киритилган ютуқлар санаб ўтилди. Хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Косон педагогика коллежида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам намунали тарзда ташкил этилди. Айниқса, бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ходимлар учун муносиб меҳнат, талабалар учун эса муносиб ўқиш ва яшаш шароити яратиш борасидаги ташаббускорлиги эътироф этилди. Йиғилишда галдаги муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Озода ДЎСТМУРОДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгаши раиси

«Ҳудудгаз Тошкент шаҳар» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Ижтимоий шериклик асосида

Конференцияда қўмита раиси Муяссар Алимхўжаева 2017 йилнинг октябрь ойидан 2020 йил февралгача бўлган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил ҳисобот берди.

Таъкидландики, касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчининг ижтимоий шериклигида ходимлар манфаатларини таъминлаш ҳамда уларни ҳар томонлама рағбатлантириш сезиларли равишда кучайтирилиб, хусусан, 2018 йил давомида жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 16 миллион 912 минг 257 сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил февраль ойи ҳолатига ходимларнинг ойлик маошдан ташқари олган даромадлари миқдори 18 миллион 603 минг 483 сўмни ташкил этди.

Корхона ишчилари махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланган бўлиб, зарарли шароитларда ишловчи 416 нафар ходимни сут маҳсулотлари билан таъминлаш, бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш масаласи ҳам тегишли тартибда ўз ечимини топиб борди.

Касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг самарали ижтимоий шериклик асосида олиб борган ишларининг ижобий натижаларини ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш ишларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ҳисобот даврида 217 нафар ходим санаторийларга йўлланма билан таъминланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Дам олиш масканларида 328 нафар ходим оила аъзолари билан бирга ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлди. Шунингдек, касаба уюшма қўмитаси томонидан корхона ходимлари учун саёҳатлар, маданий-маърифий тадбирлар, ишчи-хизматчилар ўртасида шахмат-шашка, мини-футбол, арқон тортиш каби мусобақалар ўтказилди.

Корхона тасарруфидаги «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳида катта кўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, қабул қуввати 360 ўринга етказилди.

Конференция давомида касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ижтимоий шериклигида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳисобот давридаги фаолият ижобий баҳоланиб, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муяссар Алимхўжаева кўпчилик овоз билан ўз лавозимига беш йилга яна қайта сайланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Давр руҳига монанд

Учтепа туманидаги 197-умумтаълим мактабида таълим муассасалари маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида 2018-2020 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаларининг 2019 йилда бажарилиши ҳамда касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда тармоқ тизимидаги 92 та бошланғич ташкилот касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди.

Ўқув-семинарда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Абдухалил Раҳмонов ҳисобот-сайлов жараёнининг олиб борилиш тартиби, жамоа шартномаларига «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да киритиладиган ўзгаришлар борасида батафсил сўз юритди.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Барно СОБИРОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши раиси

Навоий вилояти

Ёндашувда гап кўп

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши тасарруфидаги 2-умумтаълим мактабида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибига кўра, бошланғич касаба уюшма қўмитасининг янги таркибини сайлаш, шаҳар конференциясига делегат сайлаш масаласи кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Қўмитанинг 1-ташкилий йиғилиши ўтказилиб, касаба уюшмасида бир неча йиллардан бери самарали фаолият олиб бораётган «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби Гавҳар Холбоева бошланғич касаба уюшмаси қўмита раиси, Ноила Жўрақулова раис ўринбосари, Дилшода Нарзиева шаҳар конференциясига делегат этиб сайланди.

Шу куни 2-умумтаълим мактабида 2017-2019 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2019 йилдаги ижроси бўйича умумий йиғилиш ўтказилди. Унда ўтган даврда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланиб, жамоа шартномасининг ижросини назорат қилувчи комиссия раисининг далолатномаси билан таништирилди. 2020-2022 йиллар учун қабул қилинадиган жамоа шартномаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун асосида ишлаб чиқилди.

Линура ОСТАНАЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси

Доимий эътиборда

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 1-умумтаълим мактабида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳисобот юзасидан музокараларда 5 йил мобайнида бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Хусусан, ҳар йили касаба уюшма қўмитаси йиллик иш режасининг бажарилиши, саломатлик, моддий ёрдам ажратилиши, ёлғиз ва кексалар ҳолидан хабар олиниши, маънавий-маърифий ва спорт мусобақалари, ички туризмни ривожлантириш мақсадида уюштирилган саёҳатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари доимий эътиборда эканлиги эътироф этилди.

Барча бажарилган ишлар слайд кўринишида намойиш этилди.

Мактаб касаба уюшма қўмитаси янгидан сайланди.

Ўлмасой ЭШОНҚУЛОВА,
Қизилтепа туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Аукцион савдолари хабарномаси!

Эълон

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига «KONTINENT GRAND IZVES» масъулияти чекланган жамиятининг 12.02.2020 йилдаги 1/1-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги 2009 йилда и/ч, «LIEBHERR PR-734» русумли, д/р: 80/ FA 833 бўлган бульдозер қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 517 970 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 17 март куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ўтказилади.

2020 йил 17 март санасидаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 24-, 31 март саналарида ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 17.03.2020 йилдаги савдо учун 16.03.2020 йил, 24.03.2020 йилдаги савдо учун 23.03.2020 йил, 31.03.2020 йилдаги савдо учун 30.03.2020 йилга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, СТИР: 305300366, МФО: 00115, банк: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000300842711002.

«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ.

Буюртманоларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. (2-қават). **Тел:** (91) 414-97-00. E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома № 576174

«Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ»

Бобур ижодини ёритишдаги зиддиятлар хусусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори Шуҳрат ҲАЙИТОВ билан суҳбат

– Ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг хорижда ўрганилишини ўзбекча-туркча манбалар асосида қиёсий таҳлил қилгансиз. Шоҳ ва шоир қўлёзмалари ҳозирги кунда қаерларда сақланаяпти?

– Мирзо Бобур қаламига мансуб асарларнинг бугунга қадар аниқланган қўлёзма нусхалари Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар китоб фондларида сақланмоқда ва уларнинг факсимиле турли даврларда заҳматкаш олимларимиз томонидан юртимизга келтирилган. Масалан, айни пайтга қадар «Бобурнома»нинг 17 та қўлёзма нусхаси, «Бобур девони»нинг эса 10 та қўлёзмаси топилган. Булар асосида турли йилларда шоир асарларининг илмий-оммавий ва танқидий нашрлари эълон қилинган. Айни чоғдаги асосий муаммо ана шу қўлёзмалар асосида Бобур асарларининг мукаммал тўпламини яратишдан иборат. Афсуски, бу иш ҳалигача амалга оширилмаган.

– Ёшлар орасида мумтоз адабиётга, хусусан, қўлёзмалар билан ишлашга бўлган қизиқиш юқори эмасдек, назаримда...

– Бу ҳол мутахассис кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Бошқа кўплаб нодир қўлёзмалар қатори Бобур асарлари қўлёзмаларига ҳам кам эътибор қаратилмоқда. Тўғрироғи, бугун матн билан ишлаш амалиёти деярли йўққа чиқяпти. Қўлёзмалар табдили ва тавсифи билан боғлиқ мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда, ягона бир илмий хулосалар берувчи тадқиқотлар жуда оз. Масалан, Бобур асарларининг Париж, Истанбул, Теҳрон ва бошқа қўлёзма нусхалари ҳақида мактаб, коллеж, академик лицей ва яна қатор дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларида «Улуғ шоир 1519 йилда Кобулда, 1528-1529 йилларда Ҳиндистонда шеърлар тўпламини тузган. Бу икки тўплам ўша жойлар номи билан «Кобул девони» ва «Ҳинд девони» деб аталади. Аммо бугунга қадар «Кобул девони» топилган эмас» тарзидаги маълумотларга дуч келамиз. Ваҳоланки, шоир аслида нечта девон тартиб этгани аниқ эмас. Хайриятки, «Бобур энциклопедияси»да бу каби хато ва чалкаш фикрларга ойдинлик киритилган.

– Ҳатто, мактаб ва академик лицей дарсликларида ҳам бир қатор чалкашликлар мавжуд. Бунинг сабаблари нимада?

– Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: Эҳтимол, буюк матншунос олимларимиз хорижий тилларни мукаммал билишганида, шоир асарларини жаҳон тилларига юксак маҳорат билан таржима қилиш мумкин бўлармиди? Афсусланарлиси, бугун ёшларга кенг имконият берилаётган бир пайтда, камида 2-3 та тилни мукаммал биладиган ёш мутахассисларимиз бўлган бир шароитда бу каби сусткашликка йўл қўяётганимизни ҳеч бир баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. Матнни ўрганиш, уни қиёсий таҳлил қилиш ва шу асосда ҳақиқий илмий фикрлар, мукаммал асарлар, шу жумладан, Бобур асарлари тўпламини яратишда олдинда қилинадиган ишлар жуда кўп. Бунга таржимашунослик факультетларида мумтоз адабиётни ўқитиш борасида камчиликлар борлиги ҳам сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат. Бобуршунос олимларимизнинг бир пайтлар бажарган ишларидан илҳом олиб, кўчирмакашликка берилиб юраверамизми? Энг эътиборли деб эътироф этилган илмий тадқиқотлар ёки адабиётларимизда маълумотлар хато кетган бўлса-чи? Унда кимдир бу маълумотларнинг аниқ илмий фактини топиб, илмий истифодага киритиш керак-ку?!. Жумладан, шу кунга қадар адабиётларда Бобур шеъриятининг ҳажми, жанр хусусиятлари ҳақида турлича фикрлар илгари сурилган ва шоир 400 тадан зиёд шеърий асарлар ёзган, деган маълумотлар берилган. Ваҳоланки, «Бобур девони»нинг туркча таржимасида улар сони 600 тадан ортиқ. Хўш, икки хил маълумотнинг қай бири тўғри? Бундай фикрни «Бобурнома»нинг хорижий тилларга таржима қилинган таржималарига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Масалан, «Бобурнома»нинг инглиз, француз, рус ва турк тилларига қилинган таржималари камчиликлардан холи эмас.

> *Бобур шеъриятининг ҳажми, жанр хусусиятлари ҳақида турлича фикрлар илгари сурилган ва шоир 400 тадан зиёд шеърий асарлар ёзган, деган маълумотлар берилган. Ваҳоланки, «Бобур девони»нинг туркча таржимасида улар сони 600 тадан ортиқ. Хўш, икки хил маълумотнинг қай бири тўғри? Бундай фикрни «Бобурнома»нинг хорижий тилларга таржима қилинган таржималарига нисбатан ҳам билдириш мумкин.*

– Японялик олим Э.Мано «Дунё олимлари «Бобурнома»нинг фақатгина икки эътиборли манба – 1857 йилда Н.И.Ильминскийнинг Қозонда ва 1905 йилда А.Бевериж хонимнинг Лондонда амалга оширган нашрларини тиклашга интилганлар. Уларнинг камчилиги аслиятни араб алифбосида кўрмаганликларидандир», деган экан. Бу фикрга қандай қарайсиз?

– Японялик олимнинг фикрларида жон бор. Чунки, ҳақиқатан ҳам «Бобурнома»нинг деярли барча илмий нашрларига Қозон ва Лондон нашрлари асос сифатида танланган. Шу жумладан, турк олими Р.Р.Аратнинг таржимаси ҳам айнан шу икки нашр асосида яратилган. Бу ерда энг катта нуқсон иккала асос нашр ҳам араб алифбосида ёзилмаганида наҳотки, шу кунга қадар ўзбекча-туркча таржималарда киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсатқичи, айниқса, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлиқ келтирилмаган. Матнда кўплаб узилишлар бор. Эътибор қилинса, ҳар қайси таржималарда учрайдиган умумий камчиликлардан бири матн ва сўзни илғамаслик, нотўғри тушуниш, у сўзнинг ўша тилда муқобили йўқлиги билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган. Бу фикр асарнинг барча тилларга қилинган таржималарига ҳам хос.

– Хўш, шунча камчилик бор экан, нега биз ўзимиз уларни нуқсонсиз таржима қилиб, тақдим эта олмаймиз? Нега Бобур асарларининг орасида фақат «Бобурнома»гина хорижий тилларга таржима қилинган? Демак, чет эллик шарқшунос олимлар бу асарга катта қизиқиш билан қарамаганида шу кунга қадар уни дунё оммаси билмас экан-да? Бундан ташқари, шоирнинг бошқа асарлари, хусусан, шеърий асарларини хорижий тилларга мукаммал ҳолда нега таржима қилмаймиз?

– Бу каби жуда кўплаб саволлар бизни ҳам қийнайди. Бугунги кунда мамлакатимиз китоб фондларида 100 мингтадан зиёд ноёб қўлёзмалар сақланмоқда. Уларни илмий асосда тадқиқ этиш, халқимизга ва жаҳон адабиётига таништириш олимлар ва кенг илмий жамоатчиликнинг олдида турган долзарб вазифалардир. Бу бевосита Бобур асарларига ҳам тегишли. Бу эса келгусида буюк ижодкор ҳаёти ва ижодига оид мукаммал илмий асарлар яратиш, шоир асарларини янада кенг тарғиб этишнинг энг замонавий усул ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Нигора УМАРОВА
суҳбатлашди

«Мумтоз сўз сеҳри» ... Китоб туманидаги 87-умумий ўрта таълим мактабида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг 579 йиллиги ҳамда буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ана шундай номланди.

Қашқадарё вилояти

Мумтоз сўз сеҳри

Ёшлар маънавиятини юксалтириш учун белгилаб берилган бешта муҳим ташаббуснинг амалдаги ижроси ўлароқ, илмсевар ўқувчилар гўёки имтиҳондан ўтишди. Яъни, ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, ўқилган ғазал ва рубоийлар, мумтоз куй-қўшиқлар йиғилганларни бир муддат мозийга саёҳатга чорлади. Бир-биридан латиф баҳр-у байтлар эса дилларга ажиб кайфият ва сурур улашди.

Дилобар НУРМУРОДОВА,
Китоб туманидаги 87-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Тошкент шаҳри

Мактабдаги таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни улуғ аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодий меросидан имкон даражасида кўпроқ баҳраманд этишга ҳаракат қилиб борамиз.

Тадбир

МУШОИРА КЕЧАСИ

Таълим даргоҳимизда турли миллат вакилларининг фарзандлари ўқишини инобатга олиб, улуғ аждодларимизнинг юксак гуманизм руҳи билан йўғрилган асарларига ҳам доимий равишда эътибор қаратамиз.

Яқинда икки буюк сиймо ижодига бағишлаб ўтказилган тадбиримизда турли миллатга мансуб ўқувчилар буюкларимизнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиб беришди.

Мадина ОЧИЛОВА,
Учтепа туманидаги 194-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наҳанов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — **21:00**
Топширилди — **23:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 217.** **30688** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Ифтихор

Рекорд ўрнатилди

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича VI халқаро бирдамлик мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур мусобақа Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Халқаро оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда дунёнинг 62 давлатидан 350 нафар атлет иштирок этди.

Мусобақада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўлими спортчилари Кумушхон Файзуллаева, Муаттар Набиева, Акбар Жўраев муваффақиятли қатнашди.

Аёллар ўртасида 71 кг. вазн тоифасида иштирок этган Кумушхон Файзуллаева 99 килограмм натижа билан олтин медални қўлга киритди.

55 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Муаттар Набиева мусобақада 3 та кумуш медални қўлга киритди. Вакиламиз даст кўтаришда 89, силтаб кўтаришда эса 111 килограмм натижа қайд этди ва ҳар бир йўналишда 1 килограммгина юқори кўрсаткичга эга бўлган нигериялик атлетга олтин медалларни бой берди.

109 кг. вазн тоифасида қатнашган Акбар Жўраев даст кўтариш машқида 189, силтаб кўтаришда 221 килограмм оғирликни забт этди. Вакилимиз 3 та олтин медалга сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу йил 21 ёшни қарши оладиган спортчимиз даст кўтариш машқида ўзининг шахсий рекордини 1 килограммга янгилашга муваффақ бўлди.

14-19 февраль куни ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилади. Иккала мусобақа ҳам Токиодаги ёзги Олимпия ўйинларига саралаш баҳслари сирасига киради. Спортчиларимиз Кумушхон Файзуллаева, Муаттар Набиева, Акбар Жўраев Олимпия ўйинларига зарур бўлган очколарга эга бўлишди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

***

Самарқандда регби оммавийлашади

Регби спорт турини оммавийлаштиришда касаба уюшмалари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари ташаббуси билан Тойлоқ тумани болалар-ўсмирлар спорт мактабида регбини оммалаштиришга бағишланган кўргазмали амалий семинар ҳамда регби бўйича Самарқанд вилояти очиқ биринчилиги ўтказилди.

Унда Тойлоқ, Нуробод, Иштихон, Ургут, Жомбой, Пастдарғом, Каттақўрғон тумани ёш спортчилари қатнашди. Мусобақада нурободлик регбичилар ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тойлоқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда Пастдарғом тумани жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ТУРОБОВ

Эълонлар

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Фарғона вилояти дезинфекция станциясига тегишли «ВАЗ-2110» русумли, 2007 йилда и/ч, д/р: 40 062 LAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 4 252 308 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йилнинг 18 март куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабномалар иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабномаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 16 март соат 16:00гача.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2020 йил 18 март кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2020 йилнинг 31 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион садосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахса 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари лозим: ҳ/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. **Тел:** +99895-402-54-75.

Гувоҳнома № 1894

«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси маълум қилади:

1) «Ishonch» газетасининг 2020 йил 16 январдаги №10-11 (4296) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларининг танлаш юзасидан тендер савдолари №2020-01 даги Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги таклифларни топширишнинг охирги муддати устунидаги «2020 йил 17 февраль» сўзлари «2020 йил 21 февраль» деб ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги таклифларнинг топширишнинг охирги муддати устунидаги «2020 йил 17 февраль» сўзлари «2020 йил 24 февраль» деб тузатиб ўқилсин. Туманларнинг таклифларни топшириш соатлари эълонда кўрсатилганидек ўзгармасдан қолади.

2) «Ishonch» газетасининг 2020 йил 25 январдаги №15-16 (4301) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2020-02»даги тузатишнинг 2) бандида Бухоро вилояти учун таклифларни топширишнинг охирги муддати «2020 йил 18 февраль» сўзлари ушбу эълонда «2020 йил 24 февраль» деб тузатилгани инобатга олинсин.